



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Сайлов — 2016

Наманганда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси узок мuddатли кузатувчилари Диана Франка Феррари ва Шейн Кёнг Ан ўз миссиясини бошлади.

Халқаро кузатувчилар Наманганда

Кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссиясининг раиси Пахриддин Маткаримов билан учрашди. Унда кузатувчилар миссия сайловни баҳолашда ЕХХТ мажбуриятларига, демократик сайлов ўтказишнинг халқаро стандартлари ва талабларига ҳамда миллий қонунчиликка таянишни таъкидлади. Кузатувчилар сайлов жараёнида бўлиб ўтаётган тадбирларни, сайлов маъмурияти ва мутасадди ташкилотлар фаолиятини, қонунчиликка риоя қилинишини кузатишда ва сайловга тайёргарлик, сайлов кунги тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини мониторинг қилади. — Мен Ўзбекистондаги сайловларда мазкур миссия кузатувчиси сифатида иккинчи марта иштирок этмокдаман, — дейди Диана Франка Феррари. — Аввало, биз Ўзбекистондаги

шундай муҳим сиёсий тадбирда иштирок этаётганимиздан мамнунлигимизни, ўзбек халқининг маданиятига чукюр ҳурмат билан қарашимизни айтмоқчимиз. Ҳар бир сайлов алоҳида жараён ва бир-бирини такрорламайди, шунинг учун уларни солиштириб бўлмайди. Биз Наманганда сайлов участкалари фаолияти билан танишамиз, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти вакиллари билан учрашамиз. Кузатувчилар округ ва участка сайлов комиссияларининг таркиби, фаолияти, Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тадбирлари, уларга қонунчилик талаблари асосида тенг шaroитлар яратиб бериш масалалари билан қизиқди. Кузатувчиларга вилоятда бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

**А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири**

Жаҳон физикларининг анжумани якунланди

Тошкентда 10-11 ноябр кунлари Биринчи Президентимиз Исроҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Фундаментал ва амалий физика ривожининг янги тенденциялари: муаммолар, ютуқлар, истиқболлар» мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Симпозиумда физика, астрономия ва астрофизика, энергетиканинг, қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш самардорлигини оширишнинг илмий асослари, маҳаллий хомашё манбалари асосида янги материаллар олиш, замонавий нанофизика ва нанотехнологияни ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари муҳокама қилинди. — Халқаро форум юксак савияда ташкил этилди, бу фундаментал ва амалий физикадаги илмий муаммолар, ютуқлар ва истиқболларни муҳокама қилиш, мазкур фан йўналишлари ривожининг янги тенденцияларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Австралиянинг Куртин университети профессори Игорь Брай. — Симпозиумда дунёнинг етакчи олимлари жаҳон физикасидаги қатор долзарб масалаларни муҳокама қилди. — Мазкур халқаро форум Ўзбекистонда қадимдан мавжуд фундаментал илмий салоҳиятнинг буғун ҳам амалда фаол намоён бўлаётганини далиллади, бу барқарор келажақ учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади, — дейди Антверпен университети профессори Де Вос Дирк Луспен (Бельгия). — Мазкур форумда биоматериалларнинг тирик организмда энергия алмашиши, уни сақлаши,



маълумот алмашишининг физик асослари ҳақида сўз юритилди. Германиядаги Ер ҳақидаги фанлар илмий-тадқиқот маркази сунъий йўлдошлар ўлчаларига асосланган геодезия технологияларини координация ва интеграция қилиш билан шуғулланади. Бу тизим геометрик коинот технологияларини амалдаги геодезия билан бирлаштиришга, ер сиртида олинган ўлчаларни учин аппаратларни ёрдамда ва коинотдан олинган кузатув маълумотлари билан

яхлитлашга ҳам масъулдир. Мустақиллик йилларида мазкур марказ билан Ўзбекистон Фанлар академияси Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти ўртасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган. Натijaда, Астрономия институтида Глобал позициялаш тизимининг (GPS) Китоб, Тошкент ва Майдакан халқаро станциялари ташкил қилинди, ҳамкорликда регионал тезликлар аниқлаб, худудларнинг сейсмик хавфи баҳоланди. (2).

Фаолиятга назар

Соғлом халқ улўғ ишларга қодир

Мамлакатимизда инсон, унинг манфаатлари, ҳаёти ва соғлиги энг олий қадрият ҳисобланади. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, маънан етуқ ва жисмонан соғлом авлодни қамолга етказишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиб келинаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.



Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид Давлат дастури соҳа тараққиётида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, истиқлолнинг йилларида шифо масканлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги хасталикларга аниқ ташхис қўйиб, самарали davolash усуллари қўллаш имконини бeraяпти.

Соҳада туб ислохотларни амалга оширишда касабa уoшмaларининг ҳам муносиб ўрни бор. Тармоқ касабa уoшмaси жaмийтaмизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида олиб бoрилaётган ислохотларни қўллаб-қувватлабгa қолмай, уларни ҳаётга тaтбиқ этишдa фaол қaтнaшaётир.

Соғлиқни сақлаш вазири, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси ва ЎзҚУФ Санаторкурортлар бошқармаси билан тармоқ касабa уoшмaси Республика асосан тизимда ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, бандлик, меҳнат шароити, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазасига оид манфаатлари тўла қамраб олиншига эришилмоқда. Жaмoa шaртнoмaларидa соҳa ҳoдимларининг меҳнатига ҳaқ тўлашни тaшкил этиш, қoнун ҳужжатларида кўрсaтилгaнidan юқoрироқ тўловларни ўрнатиш тaртибин бeлгилаш, тармоқ хусусиятларидан кeлиб чиқадиган бошкa масaлaларга оид аниқ мeъёрлар киритилган. Қўллаб тиббиёт муaссасaларидa ҳoдимларга қўшимчa имтиёзлар бeриляпти.

(3).

САЙЛОВ — 2016

Сарвар Отамуратовнинг Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 11 ноябр кuni Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашувни халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши депутаты Ж.Комиллов очди. Номзоднинг ишончли вакили Н.Соатов йиғилганларни Сарвар Отамуратовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади. Дастурда юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини изчил юксалтириш, Ватанимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши йўлидаги эзгу мақсадларни рўйга чиқариш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Уларнинг аниқлиги, қадрият ва анъаналарини эъзозлаган, тарихий хотирасини асраган халқ иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиётга юз тутди. Мамлакатимизда бу борада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш энг муҳим вазифа. Партиямиз миллий ўзлигини англаш, миллий гуруҳ ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берган ва бундан буюн ҳам ушбу ҳаётий масалалар доимо эътиборда бўлади, деб қайд этди Сарвар Отамуратов. Дастурда миллат генофондини асраш ва соғлом авлодни воёга етказиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш борасида аниқ ва таъсирчан чоралар кўриш, бу борадаги тарғибот-тушунтириш ишлари, жaмoaтчилик назоратини кучайтириш, оила ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларга гaмхўрликни ошириш бўйича ишларни изчил давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Учрашувда Гулистон давлат университети кафедра мудири А.Йўлдошев, Гулистон шаҳридаги 17-мактабгача таълим муассасаси мудири Б.Алимова, Мирзаобод туманидаги 29-умумтаълим мактаби директори У.Гадов, Агро-саноат мажмуи ҳoдимлари касабa уoшмaси Сирдарё тумани кенгаши раиси Б.Исаев ва бошқалар номзоднинг дастури ҳақида фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабр кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фaол иштирок этишга чақирди.

ЎЗА

Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашуви

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 11 ноябр кuni Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни ЎзАИДепнинг Хоразм вилояти кенгаши раиси Ш.Сафарбоев очди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исроҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самараси Хоразм вилоятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида ялли худудий маҳсулот 5,3 фоиз ўсган. Бунда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 20 фоиздан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7 фоиздан ортгани муҳим омил бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида уларнинг вилоят иқтисодиётидаги улуши изчил ошиб, бүгунги кунда 75 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди. Дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, макроеқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Унда давлат идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва одил судловни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, худудларни комплекс ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорликка янада кенг имконият бериш, озуқабоп ва экспортбop экинларни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини ошириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Учрашув видеоконференция шаклида ўтди. Урганч шаҳри ва вилоятнинг барча туманлари марказидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди. Меҳнат фахрийси С.Искандаров, «Давсувҳужаликназорат» давлат инспекцияси Хоразм вилояти бўйича инспектори К.Ортиқов, Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хўжаниёзова, меҳнат фахрийси Ж.Утамов, меҳнат фахрийси А.Вапаев, Хонқа педагогика ва спорт коллежи ўқувчиси З.Исмоилова ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимизни янада ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишни таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик жараёнида миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабр кuni бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фaол иштирок этишга чақирди.

ЎЗА

Хатамжон Кетмоновнинг Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов 11 ноябр кuni Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.

Видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашувни халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати Қ.Эргашев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Н.Сиддиқов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва улкан бунёдкорлик ишлари самарасида вилоят туман ва шаҳарлари замонавий қиёфа касб этиб, аҳоли турмуш фаровонлиги изчил юксалиб бормоқда. Замонавий турар жой бинолари, ишлаб чиқариш объектилари, таълим ва тиббиёт муассасалари, мустаҳкам спорт ва маданият қoшoнaлари, кенг ва раvon йўллар барпо этилмоқда. 2013 йилда ташкил этилган «Жиззах» маҳсус иқтисодий зонаси нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимиз тараққиётида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Сайловолди дастури партиянинг гоя ва дастурий мақсадларига, хусусан, Олий Мажлис Қoнунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг парламентдаги кўпчилик — Демократик кўчлар блокига нисбатан ўзини муҳолифат деб эълон қилгани, бу муҳолиф фракция сифатида илгари сурган қатор гояларга асосланган. Бюджет маблағларини, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағларнинг мақсадли сарфланishi устида қaтъий назоратни қулайтириш, давлатнинг Ўсиб бoraётган иқтисодий имкониятларидан аҳолининг, энг аввало, кам таъминланган қатлами турмуш даражасини яхшилашда фойдаланиш, замонавий техника ва технологияларни кенг жорий этиш асосида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, экспорт имкониятларини кенгайтирувчи ва аҳолининг харид қoбилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантиришга устувор аҳамият берилган. Учрашувда Жиззах уй-жой ва коммунал хўжалик касбухона коллежи директори Б.Ибодов, Жиззах шаҳар 2-оилавий поликлиникаси бош шифокори Қ.Хайдарова, меҳнат фахрийси П.Шукuroв, Жиззах шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби директори Х.Неъматова номзоднинг дастури ва унда белгиланган вазифалар хусусида фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабр кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фaол иштирок этишга чақирди.

ЎЗА

БУГУННИНГ НАФАСИ



Бахт улашиш бахти

Шоҳимардон Ходжанов Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникаси лор касалликлари бўлимида узок йиллардан буён фаолият юритиб келади. Олий тоифали отоларинголог шу кунгача кўплаб шогирдлар етиштирди. Улар ҳозирда ўз соҳасининг билимдони сифатида халқимизга намунали тиббий хизмат кўрсатиб келишаётир.

— Тумов асорати ёки тозалаш жараёнида бехос кулоқ пардасининг тешилиб қолиш ҳолати рўй бериши мумкин. Натижада, эшитиш фаолияти сусаяди, — дейди Шоҳимардон Ходжанов. — Мурожаат қилинган ҳамон тегишли муолажаларни амалга оширамыз. Парда кўямиз. Бемор тез кунда ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетади. Тўғри, операция жараёни ўта хушёрликни, юқори малакани талаб этади. Бинобарин, кимнингдир дардига шифо бериб, қувончига шерик бўлиш, уни соғлом ҳаётга қайтариш — шифокор учун энг катта бахт.

СУРАТДА: Тиббиёт фанлари номзоди, доцент Шоҳимардон Ходжанов шогирдлари — ёш шифокорлар Ирода Абдусаматова ва Насиба Бауетдинова билан.

Ўз муҳбиримиз.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

Жаҳон физикларининг анжумани якунланди

«1). — Мазкур форумда бу ҳамкорлигимиз натижалари ва истиқболларини кўриб чиқдик, — дейди Германиядаги Ер ҳақидаги фанлар илмий-тадқиқот марказининг Геодезия департаменти директори Харальд Шу. — Келгусида долзарб масала — Орол денгизи сатҳи ўзгаришини суъбий йўлдошлар ўнашларига асосланган технологиялар ёрдамида аниқлашни режалаштирганмиз.

Россия Фанлар академияси Сибир бўлими қошидаги Яримўтказгичлар физикаси институти директори ўринбосари, профессор Олег Пчеляковнинг айтишича, мамлакатимизда қуёш энергетикасини тараққий эттириш учун қўлай географик иқлим, етарлича салоҳият, бунинг фундаментал ва ташкилий асослари мавжуд: Ўзбекистонда бир йилда 320 кундан зиёд ҳаво очик бўлиши қуёшли кунлар кўпчилиги бўйича дунёнинг аксарият минтақаларига нисбатан анча устунлигини таъминлайди.

Қисқача айтганда, мазкур халқаро симпозиум бугун дунё физикасидаги долзарб фундаментал ва амалий масалаларни муҳокама қилиш, ўзбек физика мактабининг мустақиллик давридаги ютуқларини халқаро миқёсда яна бир кенг намойиш этиши имконини берди. Бу нафақат илм-фан, балки бошқа кўплаб соҳалар ривожига ҳам катта аҳамият касб этади.

Умид ЁҚУБОВ,
Ўз муҳбири

Рассат йиғилиши

Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касоба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши ўтказилди. Унда тармоқ касоба уюшмаси томонидан амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар таҳлил этилди.

Сарҳисоб

Хусусан, ҳисобот даврида тармоқ касоба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий шерикликини қучайтириш борасида қўрилган зарур чора-тадбирлар натижасида корхона ва ташкилотларда имзоланган жамоа шартномалари 23 тадан ортиди. Меҳнатқашлар томонидан илгартирилган долзарб масалаларнинг аксарияти ҳал этилди. Тармоқ уюшмаларининг инноватга олган ҳўда, йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари учун жамоа шартномалари намуналари ишлаб чиқилиб, амалда фойдаланилиши таъминланди.

Янги иш ўринларини ташкил этиш дастурларини амалга ошириш, аҳолини, айниқса, касб-хўнар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштиришга ҳар томонлама қўмаклашилди, бу бордада жамоатчилик назорати олиб борилди. Коллеж битирувчиларни, аввало, қизларни ишга жойлаштириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш иштиёқидидаги ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узок мuddат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, жамоа шартнома ва келишувлари орқали 46 нафар оилаларга узок мuddат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 1 млрд. 413,6 млн. сўмлик фойсиз ссудалар ажратилди.

Ҳисобот даврида «Кўнғирот сода заводи» УҚ, «Навоийазот», «Андижон биокимё заводи», «Максам-Чирчик» АЖлари, «Навоийэлектримё заводи» ҚҚ АЖ, Навоий ҳамда Сурхондарё вилоятлари «Қишлоқхўжаликимё» ҲАЖда ёш оилаларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узок мuddат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун фойсиз ссудалари берилди.

Баҳром ҚУВВАТОВ,
Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касоба уюшмаси Республика кенгаши ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Диспансеримиз шифокорлари томонидан аҳоли саломатлигини таъминлаш, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилиши орқали миллионларни мустаҳкамлаш йўлида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Текширувга келган ва профилактик кўриқда аниқланган онкологик беморлар учун алоҳида тавсиялар берилди.

Ҳаммаси ўз қўлимизда

Мавжуд ўн ўринли болалар бўлимида 17 ёшгача бўлган ўғил-қизлар даволанмоқда. Уларнинг ҳар бири алоҳида назоратга олинган.

Савол туғилди: Онкологик касалликлар қандай пайдо бўлади? Хасталикнинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш лозим?

Биринчи талаб шундан иборатки, тананинг турли нукталарида ҳосил бўлган фаол, катталашган лимфа туғунлари, майда-майда безлар ва бехосдан терида пайдо бўлган доғлар организм учун хавф олиб келишини эътибордан четда қолдирмаслик, уларни ўзича даволамаслик, албатта, яқин орадаги врач онколог шифокорлардан маслаҳат олган ҳўда муолажаларни давом эттириш тавсия этилади.

Масалан, сурункали нос чекиш тил ости шиллик қавати пардасини емириб, узок вақт битмайдиган яра пайдо қилиши, бу эса саратон касаллигини келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслик керак. Сурункали сизарет чекиш, ҳар хил алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, (айниқса, оч коринга) ўпка саратони,

ошқозон ва ошқозон ости бези рақлари, ўсmalarига олиб келиши мумкин.

Шахсий гигиенага риоя қилиш, овқатланиш режими ва ўз вақтида дам олишни ташкиллаштириш касалликнинг эрта олдини олишда муҳим тавсиялардан ҳисобланади.

Шифо муассасамизда айрим кўкрак бези касалликлари — мастопатия, туғули, фиброзим ва бошқа турдаги мастопатияларга даволанган кейин ҳўмилдор бўлиши мумкинлиги тўғрисида маслаҳатлар берилмоқда. Туҳик онкологик верификациядан ўтган беморлар учун эса, агар онкологик хавфли ўсма тасдиқланса, маълум мuddатга ҳўмилдор бўлиш тавсия қилинмаяпти.

Унутмайлик, саломатлигимиз ўз қўлимизда. Бунга озодалик, оилада тиббий маданиятни ошириш, фаол жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиб эришиш мумкин.

Яхшимурод АБДУЛЛАЕВ,
Қашқадарё вилоят онкология диспансери шифокори

Ўз касбининг моҳир эгалари

ЎзҚУФК Ўқув марказида Таълим, фан ва маданият ходимлари касоба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Ўз касбининг моҳир эгалари» танловининг республика тармоқ босқичи ўтказилди.

Маҳорат синови

— Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси билан бирга, турли тармоқларда меҳнат қилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга салмоқли ҳисса қўшиб келатган турли касб эгалари меҳнатини қадрлаб, ўзгаларга ўрнак сифатида муносиб рағбатлантириш ишлари изчил олиб борилмоқда. Шу мақсадда тизимда «Ўз касбининг моҳир эгалари» танлови ҳар икки йилда ўтказилиб келинади, — деди тармоқ касоба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедил.

— Бунда касбига фидойилиги ва ижодкорлик қобилиятини рағбатлантириш орқали ходимларнинг профессионал даражаси оширилади. Шунингдек, меҳнат унмудорлиги орқали баробарида, ижтимоий фаолиятга кенг жалб этилади.

Шундан келиб чиқиб, ўз касбининг моҳир эгаларини аниқлашда муайян бир соҳада кўп йиллар меҳнат қилиб келатган тажрибали мутахассисларнинг ўзига юқлатилган вазифаларни сикдикдилдан бажариши ҳамда ички меҳнат тартиб-қоидаларига амал қилиши, изланувчанлиги, эришган ютуқлари, ташаббускорлиги, ўз соҳасида яратган янгилликларига асосий эътибор қаратилди. Шунингдек, шогирдлар тайёрлаши, жамоасидаги обрў-эътибори, жамоатчилик ишларидаги фаол иштироки инobatга олинди.

Республика босқичига чинаямига ўз касбининг моҳир эгалари, фидойилари этиб келинди. Уларнинг таълим, фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги фаолияти, илмий-технологик гоьлари ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилиб, муносиб баҳоланди. Кегайли тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш кичик гуруҳ раҳбари Хожанберген Курбанов, Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова, Тошкент давлат техника университети касоба уюшма кўмитаси раиси Улғбек Боймуродов, Жиззах шаҳар 8-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Севара Баратова ва бошқалар танлов гоьлиби сифатида эътироф этилди.

— Хамиша яхши инсонлар ёнида бўлиш, уларнинг образини яратишга ҳаракат қиламан, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова. Тўғрисиқили; меҳнатсева, варлик, фидойилик, касбий салоҳият кишини касбдошлари ва кенг жамоатчилик орасида хурмат-эҳтиром қозонишига сабаб бўлади. Шу боис шогирдларимга: «Ўз устингда тиминисиз ишлаб, касбингга бор меҳрингни берсанг, кам бўлмай-



нийат, санъат ва спорт соҳаларидаги фаолияти, илмий-технологик гоьлари ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилиб, муносиб баҳоланди. Кегайли тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш кичик гуруҳ раҳбари Хожанберген Курбанов, Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова, Тошкент давлат техника университети касоба уюшма кўмитаси раиси Улғбек Боймуродов, Жиззах шаҳар 8-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Севара Баратова ва бошқалар танлов гоьлиби сифатида эътироф этилди.

— Хамиша яхши инсонлар ёнида бўлиш, уларнинг образини яратишга ҳаракат қиламан, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова. Тўғрисиқили; меҳнатсева, варлик, фидойилик, касбий салоҳият кишини касбдошлари ва кенг жамоатчилик орасида хурмат-эҳтиром қозонишига сабаб бўлади. Шу боис шогирдларимга: «Ўз устингда тиминисиз ишлаб, касбингга бор меҳрингни берсанг, кам бўлмай-

сан», дея уқтираман.

— Ҳар бир машғулоти турли интерфаол метод ва усуллар ҳамда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳўда ўтишга ҳаракат қиламан. Ўз ишимга масъулият билан ёндашувим самараси ўлароқ, шогирдларим вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган турли танлов ва фан олимпиадаларида муносиб иштирок этиб келмоқда, — дейди Севара Баратова. — 2013 йилда «Дарсларда интерфаол методлар ва АКТдан фойдаланиш» мавзусида ўтказилган республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияда «Сув — ҳаёт манбаи» номли очик дарсим билан қатнашдим. Тажрибам республика миқёсида омалаштирилди. Жорий йилда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» қўриқ-танловининг республика босқичида фахрли 2-ўринни эгалладим. Гоьлиблар диплом ҳамда эсдалиқ совғалари билан тақдирланди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» муҳбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

«Оналари соғлом — болалари баркамол Ватан!» республика танловига

«Умид гулшани» қалбларга чироқ ёқди...



Неча кундирки, Нигорахоннинг егани ичига тушмайди. Чехраси маънос. Кўзлари мунгли боқади. Нима қилсин, икки ярим йилдан бери тирноққа зор. Улар билан бир вақтда тўйи бўлганларнинг ҳатто иккинчи фарзанди ҳам дунёга келаяпти. Шундан унинг боши эгик, на эрининг юзига қарай олади, на қайнона-қайнотасига. Назаридда ҳаммасига фақат у айбдордек. Ахир, фарзандсиз оила чироғи ўнган уйга ўхшайди.

Қайнонаси ҳам бешик тўйига бориб келгандан бери ўзгариб қолган. Бир гапириб ўн куладиган аёл «ичимдагини топ» бўлиб қолса, Нигора шўрлик нима қилсин? Ҳар тонг бу уйни тарк этишни кўнглига тугиб уйғонадию не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган эрини қўзи қиймайди. Фаршасифат қайнотаси, онасидан ҳам севикли бўлиб қолган қайнонасини ташлаб кетгиси келмайди.

Рухиятидаги ўзгариш, кайфиятидаги сўлгинлик ишхонасидагиларга ҳам сезилган чоғи бир кунги касабакўм раисаси Ҳалима она уни хонасига чақиб, юрагига қўл солди. Оиласи, эри, қайнона-қайнотасига сўраб суриштирди. Нигорахон нима десин, фаршгадек бу инсонлар шунча йилдан бери унинг кўнглига қарайди. У бормаган доктори қолмади. Аммо... умид чироғи ёнмади. Ҳар ой умид ришталари битта-битта узилиб бораёпти. Касабакўм етакчиси сир бой бермай бошини эгиб турган келинчақка ичиди тасанно айтиб, қўлидаги қоғозни унга тутказди:

— Мени кечиргин, қизим. Оиламга нега аралашаяпти, деган хаёлга борма. Сенинг хаберинг борми, йўқми, хартуғил касоба уюшмалари сўнгги йилларда кўплаб хайрли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама ҳимоялаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, оилавий спортни ривожлантириш орқали соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш борасида олиб борилатган ишлар энги босқичга кўтарилди. Катта умид билан ҳаётга қадам қўйган ёш оилаларга моддий ва маънавий қўмак бериб, имтиёз ва имкониятлар яратиш бўйича ҳам катта ишлар бошланди. Хусусан, ҳар йили ишлайдиган 100 та ёш оилага ажратилган 200 оила имтиёзли йўлланма билан фарзандталаб оила вакиллари «Умид гулшани» санаторийсида даволаниб, онаналик бахтига мушарраф бўлишаяпти. Бу ишда касоба уюшмаларининг тармоқлараро ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Дейлик, ёш келинчақ таълим йўлланмида ишлади, унинг турмуш ўртоғи эса агросаноат мажмуаси тизимида меҳнат қилади. Имтиёзли йўлланмада уларга бир санаторийда бир вақтинчи ўзида даволаниши учун шароит яратилди. Қолаверса, бу йўлланмаларнинг ҳар бири назоратга олиниб, мониторинг қилиб борилади.

Нигорахон муаллимларнинг беминнат ёрдамчиси ва гамхўри бўлган раиса опанинг гапларини тингларкан, юрагиди умид учкунлари яна алангаланди. Келинчақнинг кўнглидагини сезгандек, она гапида давом этди:

— Менимча, сен ҳам турмуш ўртоғинг билан шу санаторийга бориб мутахассислар қўриғи ҳамда замонавий тиббий асбоб-ускуналар орқали текширувдан ўтсанг яхши бўларди. Уйингдагилар билан маслаҳатлаш, уларга маълум келса, қолганини биз, касоба уюшмаларига қўйиб бер. Турмуш ўртоғингнинг ишхонасидаги касабакўм раиси билан ўзим гаплашаман.

Нигора келтирган хушхабарни уйдигилар қувониб қаршилашди. Ёш оила Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг бепул йўлланмалари билан «Умид гулшани»да даволаниб, мурудлари ҳосил бўлди. Бўхоро вилояти Пешку туманида яшайдиган ушбу ёш оила айни кунда иккинчи фарзандини кутаёпти. Уғилларнинг исми Умиджон, қизларига эса Гулшан деб

ном беришмоқчи. Бахтиёр ота-она — Нигорахон ва Фарҳодхон касоба уюшмасининг бу хайрли ва савобли ишдан миннатдор.

Бундай миннатдорлик мактублари республикамизнинг турли ҳудудларидан келиб туради. Арофат Хошимова, Дилдора Ҳўжаева, Санобар Марасулова каби аёллар оилаларида умид чироғини ёқиб, ота-она бўлишдек бахтни насиб этгани учун «Умид гулшани» санаторийси шифокорлари, айниқса, гинеколог Дилбар Саидова ва уролог Шоқир Ашуровга ўз дил ихорларини баён этганлар. Шу билан бирга, уларни бепул йўлланма билан таъминлаган Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ўз ташаккурларини билдиришган.

Ҳа, «Умид гулшани» санаторийси гинекология, урология, эндохронология ва асаб касалликлари билан хасталанган дам олувчиларни соғломлаштириш, бепушлик сабабларини ташхислашга иштирослашган.

— Оила эзгулик сарчасмасидир. Унинг тинчлиги ва мустаҳкамлиги ҳамият ҳаётда асосий ўринни эгаллайди. Оиланинг бахти ва келажиги эса фарзанд билан тўқиб бўлиб, ундаги соғлом муҳит ҳар бир шахсининг иш фаолиятига таъсир кўрсатади. Биринчи Президентимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ оилаларга катта эътибор қаратилганда рамзий маъно бор. Аёли маънан ва жисмонан соғлом бўлган оилагина мустаҳкам ва бахтиёр бўлади. Айниқса, Соғлом она ва бола йили муносабати билан ёш оилаларнинг қўллақувватлаш, оналар ва болалар саломатлиги борасида олиб борилаётган ишлар янги босқичга кўтарилди, — дейди санаторий директори Дилором Мухаммадалиева. — Катта умид билан ҳаётга қадам қўйган ёш оилага моддий ва маънавий қўмак бериш, имтиёз ва имкониятлар яратиш жуда улўғ ишдир. Бу жараёнда касоба уюшма ташкилотлари ташаббускорлиғини қўлга олиб, зиммаларидаги масъулиятни вазифани шараф билан удаламоқда. Шифокорларимиз оилаларга фарзанд қувончи, ота-оналик саодатини бахш этиш учун астойдил ҳаракат қилишаяпти. Кези келганда, бизда замонавий тиббий асбоб-ускуналарни, энг муҳимини, самарали даволаш тизими йўлга қўйилганини таъкидлашим жоиз. Жорий йилнинг 9 ойда фарзанд кўрмаган ёш оилаларнинг 147 нафар ишлайдиган азтоси санаториймизда бепул йўлланма билан даволанди.

Санаторий шифокорлари соғлом бола соғлом онадан дунёга келишини ҳисобга олиб, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, фертил ёшидаги аёллар ва қизларни тулик қамраб олган ҳўда комплекс тиббий қўриқлар ташкил этиш, соғломлаштириш ишлари қўламини кенгайтиришга эътибор қаратишган. Тез-

